



18.01.2022 даги

NAMANGAN SUV TA'MINOTI mas'uliyati cheklangan jamiyati va Davlatobod туман ХТБ Марказ ўртасида  
17221100,00 сўм умумий суммага тузилган 9900090372 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	4224000			
Январь	6 096 675,00			6 096 675,00
Февраль	5 602 350,00			5 602 350,00
Март	5 522 075,00			5 522 075,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>17 221 100,00</b>			<b>17 221 100,00</b>

Жами 17221100,00 сўм

Ўн етти миллион икки юз йигирма бир минг бир юз сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойда тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).



Буюртмачи раҳбари

(имзо)

Жамолдинов Сарвар Азимжанович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Анваров Муроджон Хурсанович

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

9900090372-сонли шартнома  
2-гурух Истеъмолчиларига оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 18 » Январь 2022 -й.

Давлатобод тумани

Ушбу шартнома «Наманган сув таъминоти» МЧЖнинг Худудий «оқава тозалаш» бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади, номидан бўлим бошлиғи А.Сулейманов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Наманган шаҳар халқ таълими бўлими номидан бўлим мудирини в.б. С.Жамолдинов, иккинчи томондан, қўйидагилар ҳақида тузилди.

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022-йилга оқова сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун  $1\text{ м}^3$  оқова сув учун 1056.25 сўм (маҳсус устама ҳақ) ташкил қилмоқда.

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 17 221 100 сўм. (Ун етти миллион икки юз йигирма бир минг бир юз) сўмни ташкил қилди.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиғи Ғазначилиғи орқали оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» ни хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик фаолияти натижасида ажраб чиққан ҳамда «Истеъмолчи» га индивидуал равишда ишлаб чиқиб тасдиқланган Коммунал экологик норматив талабларига мос бўлган оқава сувларини қабул қилиб олади.

1.3. «Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» ги 5241-сонли Фармонида асосан «Таъминотчи» га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиғи талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари» га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда Наманган вилоят ҳокимининг 2019 йил «04» мартдаги 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун  $50\text{ сўм/м}^3$ , оқова сув хизматлари учун  $50\text{ сўм/м}^3$  маҳсус устама жорий этилган ҳақни асосий тарифга кушиб тулашни ҳамда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган коммунал оқова сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг оқава сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади, «Таъминотчи» ни ўз вақтида оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

1.6. «Истеъмолчи» га белгиланган оқава сувларни қабул қилиб олиш миқдорий лимити ( $\text{м}^3$ ):

Хизмат тури	Январь	Февраль	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декбрь	Жами
Оқавасув	5772	5304	5228										16304

1.7. «Истеъмолчи» «Water control» дастуридан ўзига керакли бўлган маълумотларни СМС хабарнома орқали олиши, ўлчаш асбобини кўрсаткичини бериши, қарздорлиги ҳақида ҳамда ўлчаш асбобининг ДНК муддати келганлиги тўғрисида огохлантирилиши мумкин. СМС хабар орқали олинган ва берилган маълумотлар расмий маълумот ҳисобланади.

## II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни суғориш, ҳовлилар, йўлакчаларига сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун ўрнатилган вақтдан ташқари фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Окава сув тизимларидаги окава суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, окава суви хизмати талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга марказий окава суви тизимларидан фойдаланиш имконини яратади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини “Истеъмолчининг” канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар оқова сувини чиқариш шартномасини “Истеъмолчи” билан тасдиқланган “Қоидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги №-698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал окава сув ташланма истеъмоли ва минимал окава сув ташланма истеъмолига текширилади ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда окава сув ташланма истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар оқова сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал оқова сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) оқова сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуқтасидаги сув чиқариш кудуғи бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова кудуғи магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган кудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифатли оқова сув хизматини курсатишни талаб қилиш;

б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, кудуқ қопқоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, кудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўллари бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқи (кўча ва квартал ичидаги) оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нуқталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охири кунидан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда оқова сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда окизилган оқова сув нархини тўлаши шарт.

### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз ҳалақт берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи”томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал оқова сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов ҳужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал оқова сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал оқава сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

#### 3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) оқава сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) оқава сув хизматини курсатишни таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар оқава сув хизматидан фойдаланиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш;

г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар оқава сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) оқава сув хизмати ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) оқава сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) оқава сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

#### IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи куйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамғалар, айланиш чизиғи жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) оқава сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 “Таъминотчи” куйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, қабул қилинаётган оқава сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

- б) “Истеъмолчи”ларга оқова сув чиқариш хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;  
 в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;  
 г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;  
 д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

#### V. Сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал оқова сув хизмати тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) оқова сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2.0 коэффиценти қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, кудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқизиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

#### VI. Алохида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда “Таъминотчи” билан далолатнома имзолаши шарт. “Истеъмолчи” чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви хажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

бунда:  $M$  – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффиценти;

$F$  – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Окава суви хизматидан билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда,автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3. бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори III-гурӯх истеъмолчилари учун Қоиданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг канализация тизими коммуникацияларидан (утечка) ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган,бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химоя қопламига (тамғага) рухсатсиз тегилиш натижасида, окава сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Оқова сув коммунал тизимларига (хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. “Истеъмолчи” коммунал оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Кабул қилинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеъмолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичиқда акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи

томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса - қарзнинг асосий суммасини узиш учун йуналтирилади.

YF57368321

6.8. “Истеъмолчи” ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг кирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига кўшилади. Агар “Истеъмолчи” икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, “Таъминотчи” ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз оқова сувларни чиқариб юборишни қарз ундирилмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳукукига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда III-гурӯх истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари рухсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчига нисбатан ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан кўшимча 3 (уч) баробарлик коэффицент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов талабномаси ва ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффицентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

6.12. “Таъминотчи” билан “Истеъмолчи”лар, шу жумладан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, коммунал сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш элементлари (ичимлик сув ва канализация тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи канализация қудуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиғи эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

YF57368321

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга муносабат равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хохиш ихтиёрлари билан шартномани янгиланмаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

#### X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Наманган сув таъминоти МЧЖ  
Худудий «Окава тозалаш» булими  
Наманган шаҳар, 5 кичикноҳия 6А уй  
Тел: 232-49-94 факс 232-48-79  
х/р:22638000600306912468  
АТИБ Ипотека банк Наманган филиали  
МФО 00223 СТИР 200048456

«ТАЪМИНОТЧИ»

Наманган шаҳар Давлатобод тумани  
Халқ таълими бўлими  
Манзил Навбахор МФЙ Спортчилар кучаси  
№ 21-уй  
Тел: 69-227-88-02  
газ/х-р 100022860144017092100075118  
Банк Марказий  
Банк коди 00014 СТИР 207330236  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги  
Газначилиги Газна Х/Р 23402000300100001010

Банк номи :Марказий банк Тошкент бош бошқармаси

ХККМ МФО 00014 Газначилик булинмаси СТИР 20112299



Раҳбар А.Сулайманов  
(Ф.И.Ш. имзо)



Раҳбар С.Жамолдинов  
(Ф.И.Ш. имзо)

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва "Хужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган



Хуқуқшунос

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING  
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA  
№ YF57368321**

1. Loyiyaning turi: **Shartnoma.**

2. Loyiyaning nomi: Davlatobod tuman xalq ta'limi bo'limi va "Namangan suv ta'minoti" MChJ hududiy "Oqava tozalash" bo'limi o'rtasida oqava suvi xizmatlarini ko'rsatish haqida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Davlatobod tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022-yil 17-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i**



**B.Xasanov**

2022-yil 18-yanvar

Илова

2022 йил "18" январь ойидаги № 9900090372 ШАРТНОМА

2022 йил учун

Наманган шахар Давлатобод тумани Халқ таълими бўлими ва "Наманган сув таъминоти" МЧЖ Худудий  
"Оқава тозалаш" булими ўртасида

хизмат тури

Ойлар	Микдори	Суммаси	Ойлар	Микдори	Суммаси
Январь	5 772	6 096 675,00	Июль		0,00
Февраль	5 304	5 602 350,00	Августъ		0,00
Март	5 228	5 522 075,00	Сентябрь		0,00
<b>I-чорак</b>	<b>16 304</b>	<b>17 221 100</b>	<b>III-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0,00</b>
Апрель		0,00	Октябрь		0,00
Май		0,00	Ноябрь		0,00
Июнь		0,00	Декабрь		0,00
<b>II-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0,00</b>	<b>IV-чорак</b>	<b>0</b>	<b>0,00</b>
<b>Йиллик</b>				<b>16 304</b>	<b>17 221 100,00</b>

Индексация



Хизмат курсатувчи: А. Сулаймонов.

Истемолчи:

С. Жамолдинов.

